

А. АБДУЛЛАЕВ, Қ. МУФТАЙДИНОВ,
Х. АЙБЕШОВ

КИЧИК БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШ



«МОЛИЯ»

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУРАУФ АБДУЛЛАЕВ, ҚИЁМИДДИН МУФТАЙДИНОВ,
ХАБИБУЛЛО АЙБЕШОВ**

КИЧИК БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик
сифатида тавсия этилган*

**Иқтисод фанлари доктори, профессор Абдулазиз Сотволдиев
умумий таҳрири остида**

ТОШКЕНТ — «МОЛИЯ» — 2003

А. Абдуллаев, Қ. Муфтайдинов, Х. Айбшов. Кичик бизнесни бошқариш. Тошкент, «Молия» нашриёти, 2003 йил. 192 б.


Ушбу дарслик Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган «Менежмент» йуналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш давлат стандартлари асосида тайёрланган.

Дарсликда асосий эътибор кичик бизнесни ривожланиши давр талаби эканлигига, муваффақиятли фаолият кўрсатишда бошқаришнинг ўрни беқийслигига қаратилган. Дарсликда кичик бизнесни бошқаришнинг назарий ва методологик асослари атрофлича ёритилган, кичик бизнесни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, кичик бизнесни бошқаришда бизнес режа ўрни ўз аксини топган.

Дарслик тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи барча кичик бизнес ходимлари, олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари талабалари ва бизнес мактаб тингловчилари ҳамда кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Тақризчилар: **М. Охунов** – иқтисод фанлари номзоди, доцент
Г. Бозорова – иқтисод фанлари номзоди, доцент

© Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академиясининг
«Молия» нашриёти, 2003.



КИРИШ

Мустақил Ўзбекистонимизда ҳозирги кунда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу ўзининг ижобий самарасини яққол кўрсатиб турибди.

Президентимиз И. А. Каримовнинг 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларнинг беришини баҳолаш ҳамда 2003 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган «Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш — бош йўлимиз» нутқида республика иқтисодиётини барқарорлаштиришда кичик ва ўрта бизнеснинг ўрни бекиёс эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Охириги йилларда республикаимизда тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш борасида маълум бир ижобий ютуқларга эришилмоқда. Лекин бу борада айрим муаммоларга ҳам дуч келинмоқдаки, бунинг асосий сабаби тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган шахслар уни нимадан бошламоқ кераклигини, қандай ташкил этиш зарурлиги, бошқариш сирлари, бизнес режанинг аҳамияти ҳақида тўла тасаввурга эга эмас эдилар. Шу жиҳатдан олиб қараганда яратилган «Кичик бизнесни бошқариш» номли ушбу дарслик юқоридаги муаммоларни ҳал этишда муҳим бир қадамдир.

Дарслик Давлат таълим стандартлари бакалавр 340200-«Менежмент» йўналиши намунавий дастури асосида ёзилган бўлиб, «Менежмент» йўналиши андозаларига мос келади ва учта бобдан иборат. Унинг биринчи боби кичик бизнесни бошқариш курсининг назарий ва методологик асосларига бағишланган. Унда тадбиркорлик ва бизнес тушунчаси, унинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни, республикада тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, кичик бизнесни ташкилий-ҳуқуқий асослари ва уни давлат томонидан қувватланиши масалалари ёритилган.

Дарсликнинг иккинчи боби кичик бизнесни бошқариш масалаларига бағишланган. Унда кичик бизнесни ташкил этиш, кичик бизнесда тадбиркорлик фаолиятини танлаш, тадбиркор-

ликда ҳамкорлар билан муносабатлар, банкротликдан чиқиш йўллари, кичик бизнесда меҳнатни ташкил этиш каби масалалар ёритилган.

Унинг учинчи боби кичик бизнесда бизнес режа деб аталиб, унда турли мулкчилик шаклларида бизнес режанинг аҳамияти ва назарий асослари, бизнес режа тузилиши, унинг бўлимлари, таваккалчиликни баҳолаш, корxonанинг молиявий режаси, сезгирлик таҳлили, рақобатбардошликни баҳолаш каби масалаларга бағишланган.

Дарслик илк бор ўзбек тилида тайёрланган бўлиб, ўқувчилар учун тушунарли тилда ёзилган. Мавзулар ёритилишида миллий қадриятлар, анъаналар ўз аксини топган.